

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



**Шўрчи туман Мактабгача таълим
бўлими бошлиғи**

_____ **У.Мирзатов**

Техник топшириқ

Буюртмачи

**Сурхандарё вилояти Шўрчи туман Толли махалласи худудида янги
қурилган 90 ўринли енгил конструкцияли давлат мактабгача таълим
ташкilotига қўшимча ёрдамчи бинолар қуриш**

2022-йил

Танлов Хужжатларининг мазмуни :

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТ

- 1.1 Танлов предмети: Сурхандарё вилояти Шўрчи туман Толли маҳалласи ҳудудида янги қурилган 90 ўринли енгил конструкцияли давлат мактабгача таълим ташкилотига қўшимча ёрдамчи бинолар қуриш
- 1.2 Танловнинг юқори қиймати – 500 000 000 (Беш юз миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3 Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинади.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1 Шўрчи туман Маданият бўлими (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили Ўзбекистон, Сурхандарё вилояти Шўрчи тумани Мустакиллик кўчаси
- 2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3 Танлов Шўрчи туман Мактабгача таълим бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танлов мулкчилик шаклидан қаттиқ назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 3 йил тажрибасига эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади.

Танлов предмети қиймати камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлари (хизматилар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

Шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар:

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги:

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар: